

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

550 **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 647-1*

(2012 йил 13 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигига Ўзбекистон Республика-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

си Адлия вазирлиги томонидан киритилган Қаттиқ ва суюқ хўжалик чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш қоидаларини (рўйхат рақами 647, 1999 йил 20 февраль) қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан 2012 йил 9 апрелдаги 1-6-320/8-сон тақдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қаттиқ ва суюқ хўжалик чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш қоидалари (рўйхат рақами 647, 1999 йил 20 февраль) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 3 декабрь,
257-мх-сон